ALSKOM
SUG'URTA KOMPANIYASI

Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Tepamasjid ko'chasi, 4 - uy. / г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Тепамасжид, дом 4. tel: (+998 71) 201-11-00
URL: www.alskom.uz
e-mail: info@alskom.uz

«ALSKOM SUG'URTA KOMPANIYASI» Акциядорлик Жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг № 1 - сонли Баённомаси

Йиғилиш ўтказиш жойи ва тартиби: Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Тошкент шаҳар, Тепамасжид кўчаси, 4-уй манзилида шу жумладан www.evote.uz платформасида электрон овоз бериш йўли орқали ўтказилди.

Йиғилиш ўтказилган сана: 19 июн 2026 й., соат 10:00.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ҚУЙИДАГИ АКЦИЯДОРЛАР ҚАТНАШДИ:

1. АК «Ўзбектелеком
2. АТ «Алоқабанк»
3. «Portfolio Investments» МЧЖ
4. «Mosaic Financial»
5. «GRANIT» МЧЖ
6. Махмудов Махсум Мубаширович
7. Иминов Тохиржон Каримович

ТАКЛИФ ЭТИЛГАНЛАР:

1. З.И. Рахимов	Бош директор
2. М.А. Алимджанов	Бош директор ўринбосари – йиғилиш котиби
3. С.В. Ивонин	"Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар" департаменти директори
4. С.Н. Содиков	Бош ҳисобчи
5. Ж.Б. Аширов	Бош директор ўринбосари
6. Қ.Т. Касимов	Аудиторлик ташкилоти вакили

Дастлаб, Акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг саноқ комиссияси раиси С.В. Ивонин сўзга чиқиб ушбу баённомани ажралмас қисми ҳисобланган йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг рўйхатига асосан умумий овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган **87 187 074 дона** акциялардан **74 445 603** дона акциялар бўйича жами **7 нафар** акциядор рўйхатга олиниб йиғилишда иштирок этаётганини ҳамда мазкур кўрсаткич умумий овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг **85,38 фоизини** ташкил этишини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 68-моддасига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлиши назарда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум мавжуд.

КУН ТАРТИБИ:

...

8) Компания Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш.

...

8. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ЯНГИ ТАРКИБИНИ САЙЛАШ.

ТИНГЛАНДИ: Мазкур масала юзасидан йиғилиш Раиси Ж.Ш. Эгамбердиев сўзга чиқди.

Компания Уставининг 9.11 моддасига асосан, бир фоиздан кам бўлмаган овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар 15 февралга қадар Кузатув Кенгаши таркибига ўз номзодларини тақдим этадилар.

Ушбу муддатга қадар Акциядорлар томонидан тақдим этилган аризаларга асосан, қуйидаги шахслар Кузатув Кенгаши таркибига номзод этиб белгиланган:

1. «GRANIT» МЧЖдан (30.01.2026 йилдаги 09А/01-сонли хат):

– **Эгамбердиев Жамшид Шарифжонович** – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар Вазири маслаҳатчиси;

– **Кадиров Анвар Абдугапурович** – «ELEKTROMAGNIT MOSLASHUV MARKAZI» МЧЖ Бошлиғининг биринчи ўринбосари;

– **Махмудов Махсум Мубаширович** – «UNICON.UZ» МЧЖ Бош директори;

– **Махамадов Адхамжон Махмуджонович** – «Ўзбектелеком» АК Корпоратив бошқарув ва инвестиция портфели департаменти директорининг ўринбосари;

– **Иминов Тохиржон Каримович** – нафақада.

2. «PORTFOLIO INVESTMENTS» МЧЖдан (12.02.2026 йилдаги 18-сонли хат)

– **Якубов Мунир Муродович** – «PORTFOLIO INVESTMENTS» МЧЖ Бош директори;

– **Аймуратов Бекполат Бекбергенович** – «PORTFOLIO INVESTMENTS» МЧЖ ҳуқуқшунос;

– **Бадалбоев Шерзод Алижон ўғли** – «Mosaic Financial» ХК МЧЖ директори;

- **Бахромов Искандар Машрабович** – «Mosaic Financial» ХК МЧЖ Инвестициялар ва лойиҳалар бўйича мутахассис.

– **3.** АТ «Алоқабанк»дан (13.02.2026 йилдаги 993-сонли хат.):

– **Қўқонбоев Умиджон Абдураҳимович** – АТ «Алоқабанк» Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари.

Кузатув Кенгаши таркибига номзодларни сайлашда, қуйидаги чекловларга эътибор қаратилиши лозим:

- Кузатув Кенгаши аъзоси бир вақтнинг ўзида ҳам ижро органида ҳам назорат органида ўриндошлик асосида фаолият юритмаслиги;

- Кузатув Кенгаши аъзоси Компанияда фаолият юритадиган ҳодим бўлмаслиги лозим.

Кузатув Кенгашига киритилаётган номзодлардан ҳеч бирида юқорида кўрсатилган чекловлар кузатилмади.

Шу сабабли, Кузатув Кенгашининг янги таркибини ўз бюллетенларингизда сайлаш таклифини билдираман. Овоз бериш тартиби - куммулятив тарзда амалга оширилади.

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ:

1. Эгамбердиев Жамшид Шарифжонович - 58 874 254 овоз.
2. Махмудов Махсум Мубаширович- 59 018 734 овоз.
3. Кадиров Анвар Абдугапурович - 58 874 254 овоз.
4. Махамадов Адхамжон Махмуджонович - 58 874 258 овоз.
5. Якубов Мунир Муродович - 110 594 327 овоз.
6. Аймуратов Бекполат Бекбергенович - 110 594 326 овоз.
7. Бадалбоев Шерзод Алижон ўғли - 75 217 266 овоз.
8. Бахромов Искандар Машрабович - 73 673 940 овоз.
9. Иминов Тохиржон Каримович - 5 401 641 овоз.
10. Қўқонбоев Умиджон Абдураҳимович - 58 887 427 овоз.

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРИ:

8.1. Қуйидаги номзодлар Компания Кузатув Кенгашининг аъзоси этиб тасдиқласнин.

1. Эгамбердиев Жамшид Шарифжонович.
2. Махмудов Махсум Мубаширович.
3. Кадиров Анвар Абдугапурович.
4. Махамадов Адхамжон Махмуджонович.
5. Якубов Мунир Муродович.
6. Аймуратов Бекполат Бекбергенович.
7. Бадалбоев Шерзод Алижон ўғли.
8. Бахромов Искандар Машрабович.
9. Қўқонбоев Умиджон Абдураҳимович.

Йиғилиш раиси **(имзоланган)** **Ж.Ш. Эгамбердиев**

Йиғилиш котиби **(имзоланган)** **М.А. Алимджанов**

Баённома имзоланган сана: 23.06.2026 й.

Аслига тўғри М.А. Алимджанов